

Шукрнинг қоидалари ва турлари | Тазкия дарслари (269-дарс)



Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳакида тасаввур», «Руҳий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шархи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

19:00 / 18.02.2024 2324

«Шукр» сўзи араб тилида аслида оз ем билан семирадиган ҳайвонга нисбатан ишлатилади. Неъмат берувчига мақтов сўзларини айтишга «шукр» сўзини ишлатиш машҳур бўлган.

Шукр қилиш неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларини айтиш ва неъматни уни берган Зотнинг розилиги учун ишлатиш билан мукаммал бўлади.

Уламоларимиз шукрнинг истилоҳида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифларни айтганлар.

Кафавий: «Шукр урфда неъмат учун берилган ҳар бир мукофотдир.

Шукрнинг асли неъматни тасаввур ва изҳор қилишдир. Шукр бандадан бўлганда эҳсонга нисбатан ирфондир. Аллоҳ таолодан бўлганда эса савоб, ажр ва гўзал мақтовдир», деган.

Муновий: «Шукр икки хил бўлади. Биринчиси тил шукри бўлиб, у неъмат берувчига мақтов айтиш билан адo этилади. Иккинчиси аъзоларнинг шукри бўлиб, неъматга яраша мукофот тақдим қилиш билан адo этилади», деган.

Аллоҳнинг шукр қилувчилик сифати банданинг оз қилган амалига ҳам кўп савоб бериш билан уни мукофотлашидир.

Шукрнинг қоидалари.

Ферузободий айтади: «Шукр соликларнинг энг олий даражасидир. У ризо манзиласидан устундир. Чунки у ризони ўз ичига олади ва яна зиёда ҳам бўлади. Ризо шукрнинг ичида бўлади. Зотан, ризосиз шукр бўлмайди. Шукр иймоннинг ярмидир. У беш қоида асосига бино қилинган:

1. Шукр қилувчининг шукр қилинувчига хузуъси.
2. Шукр қилувчининг шукр қилинувчига муҳаббати.
3. Шукр қилувчининг шукр қилинувчининг неъматини эътироф қилиши.
4. Шукр қилувчининг шукр қилинувчига неъмат учун мақтов айтиши.
5. Шукр қилувчининг ўзига етган неъматни неъмат берувчига ёқмаган нарсага ишлатмаслиги.

Бас, бу қоидалардан бирортаси йўқ бўлса, шукрда ўша миқдорча нуқсон бўлади».

Шукрнинг турлари.

Шукр уч турга тақсимланади:

1. Қалб шукри. Бу неъматни тасаввур қилишдан иборат.
2. Тил шукри. Бу неъмат берувчига мақтов айтишдир.
3. Аъзолар шукри. Бу неъматга яраша мукофот ила бўлади.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.